

# Халқ мулки

**СССР Марказий давлат кино-фото ҳужжатлар архиви кинофильмлар, фотосуратлар, овоз магнит ёзувларининг нодир ҳазинаси ҳисобланади. Архив ходимлари ўз зиммаларига асримизнинг кўргазмали образини тарих учун асраб қолишдек муҳим ва масъулиятли вазифани олганлар. Бугунги кунда на тарихчилар, на киноҳужжатчилар, на адабиётчилар фаолиятини архив материалларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Архивда сақланаётган материаллар — халқ мулкидир.**

**— Ҳужжатли фильмлар Марказий студия ва Марказий телевидение яқин орада мамлакатимиз экранларига бизда сақланаётган ҳужжатлар асосида яратилган қатор тўла метражли ҳужжатли фильмларни чиқаради, — деб ҳикоя қилади кино-фото ҳужжатлар архивининг директори Людмила Петровна Запраягаева. — Мазкур фильмлар машҳур ҳарбий саркардалар — маршаллар Конев ва Рокоссовский ҳақидадир. Ҳужжатли фильмлар Марказий студиясининг кинорежиссёри Екатерина Андриканис Николай Бухарин тўғрисидаги фильм учун материалларни тайёрламоқда. Хизматимиздан чет эллик режиссёрлар ҳам фойдаланишади.**

**Архив илмий кенгаши бу йил бажариладиган ишлар планини белгилаган. Ана шу планга мувофиқ сақланаётган ҳужжатлар илмий жиҳатдан тасниф этилиши лозим. Рангли фотоплёнкаларнинг пухта асралишини таъминлаш соҳасида ҳам талайгина ишлар олдинда турибди.**

**СУРАТДА: архив ёруғлик ўрнатувчиси Галина Стрелкова иш устида.**

**Н. Акимов** фотоси, ТАСС фотохроникаси.

# Ҳар лаҳза — абадият

ёки Малик Қаюмов ижодига чизгилар

СЕНИНГ кўп нарсадан кўнглинг қолган, ҳаётда бўлади-да, кимнинг кўнгли бут бўлибдики, сен нолисанг, атрофга қарайсан — ҳаётнинг ҳам ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётибди, сендан ҳол сўрашга вақти йўқ — унинг оқимига қўшилолмасанг, қирғоқдаги харсангтошдай сўппайиб қолаверасан, умринг увол ўтади, баъзан ўзингдан каттароқ, доноpоқ бир инсоннинг бир оғиз беғараз сўзига зор бўласан — бироқ айтмайди, йиллаб орзиқасан, юрак бағринг ғичча қон бўладики ул зукко зотдан садо келмайди, бир кун қарабсанки, сен кўнглингда саждалар қилиб юрган доноларинг элу юрт чеккада қолиб, ўзлари билан ўзлари овора бўлиб юрмишлар, диёнатни, меҳру оқибатни унутмишлар, бир кун қарабсанки — юртинг, саратонда тақдири сувсиз қолган ғўзалар янглиғ қовжираган халқинг, унинг шаънию шавкатли меҳнати ҳақидаги энг керакли гапни сен сиғинган каслар эмас, балки ўзга юртнинг фарзанди Чингиз Айтматов айтиб чиқмиш... Бу — улуғ адибнинг «бир кун туз ичган жойга» бажо келтирган «қирқ саломидан» яна биттаси. Биз эса умр бўйи туз ичиб, саломимизни ҳали эплаб айтолмаймиз.

Бу узундан-узоқ муқаддима нимага керак дерсиз?

**Одамзод нима учун азал-азалдан юлдузларга қарайди! Абадият нима!** Бу абадий саволни юлдузларга берсангиз жавоб ололмайсиз. **«Бу дунёнинг ўтишини тоғдан сўра»** дейди шоир. Тоғлардан сўрасангиз улар жим, лол. Дарёга савол айласангиз — унинг йўриғи бошқа, шабадаси билан юзингизга шапатилаб, «парво қилма» дегандай оқиб кетаверади.

Шоир жавоб бергандай бўлибди, қаранг:

**Абадият, жон Фауст**
**оддий гапдир азалдан —**
**дилдан қанча кўп юлсанг,**
**шунча кўпроқ яшайсан.**

Бу саволга ўзбек маданиятининг қитъаси Малик Қаюмов нима деб жавоб берархин?

**— Ўтаётган ҳар лаҳза — Абадият!**

**Абадиятдай оддий, абадият янглиғ бепоён жавоб.**

**Гомер ҳам шубҳасиз шундай жавоб берган бўларди.**

* * *

Шарқнинг бадиият дурдоналари ганжинасида шундай ҳикоят бор:

**Дейдиларки, Рашидаддин Ватвот кўчага чиқиб кетса, уйининг эшик-деразалари, дарвозани ҳам ланг очиқ қолдириб кетаркан. Уйда бўлган пайтларида эса ҳамма ёқни беркитиб, эшик, дарвозани қулфлаб ўлтирар экан. Одамлар бу ҳолнинг сабабини сўрасалар донишманд шундай деб жавоб берибди:**

**— Чунки бу уйда мендан, ўзимдан ортиқ бойлик йўқ.**

Малик Қаюмов — бизнинг бойлигимиз. Биз йиллаб «Пахта — халқ бойлиги», «Миллий ифтихоримиз» деб қуруқ сўздан «осмонўпар» хирмонлар барпо этдик, охир-оқибатда пахтамизнинг қадрини элимиз, тупроғимиз қадрига қўшиб ерга урдик. Охир-оқибатда «пахта-амалдорлар бойлиги» бўлиб чиқди, халқ эса рутубатда дийдираб қолаверди.

Халқ бойлиги унинг саломатлигига зиён етказувчи заҳарли дорилар билан оруланган далалар, пахта ёки маъданлар, табиатни ҳам, эл соғлиғини ҳам барбод қилаётган корхоналарнинг маҳсулотлари ва ёки уйларимизни иситаётган «зангори олов» билангина эмас, Малик Қаюмовдек инсонларнинг борлиги билан ҳам ўлчанади. Малик Қаюмов — бизнинг бойлигимиз, бироқ у қаерда бўлмасин — кўчадами, уйдами кўнгил деразаси ҳамиша очиқ. Эл томон, элга томон. Дариғларким, тупроқни, элнинг шаънишавкатини барбод қилганлари етмаганидек юксакдаги баъзи «кимсалар» маънавий ғуруримиз бўлмиш инсонларни ҳам поймол қилмоқчи бўлдилар. Улар маълум маънода бунга эришдилар ҳам. Тарихни таҳрир қилиб бўлмаганидек, миллатни ҳам таҳрир қилиб бўлмайди. Улар жон-жаҳдлари билан шуни истардилар, улар — ғаддорлар, маънавият қашшоқлари!..

Бу тоифа ҳақда гапиришни Малик ака унча хуш кўрмайди. Бошидан кўп гурзиларни ўтказган бу инсон шу аснода ўзининг умрий эътиқоди, собит иродасини белгиловчи тўрт оғиз сўз айтди:

**— Эркак одам мард бўлиши керак!**

**Гап жисмоний мардлик эмас, руҳий, маънавий мардлик хусусида кетаётганини илғагандирсиз...**

* * *

**Санъаткорнинг «Кинематограф — менинг ҳаётим» китобида унинг «Самарқанд ҳамиша менга ҳамдам» лентасидан олинган ғаройиб сурат берилган. Унда асрлар қуюни, лоқайдлигимиз гармселлари илоҳий нақшларини хароб айлаган минора узра азон айтаётган сўфининг ғира-шира тасвири муҳрланган. Суратнинг тагига «Видолашув» деб қўйса ҳам бўлади. Қадим қўлёзмаларнинг қўҳна ҳиди келади суратдан. Миноранинг ортидан даҳмаларми, уйларнингми — билиб бўлмайди— хира тарҳлари кўзга ташланади.**

**Мозий.**

**Сўфи кимга қараб азон айтяпти — мозийгами, бизгами!** Менимча, у сўфидан кўра кўпроқ ҳаттотга, аниқроғи қадим тарихчига ўхшайди. Мен кўчирган буюк кўҳна китобларни, шарқ аёлларининг заъфарон чеҳрасидек сарғайган саҳифаларга дарж этганим ҳақиқий инсоний туйғуларни, нима қилдинглар, не куйларга солдинглар деб фиғон чекаётгандек. Унинг сукутида осмону фалакни қоматга келтирадиган нолаю зор бор. Унинг сукутида беомон надоматнинг гулдуроси бор. Минора ҳам, унинг устидаги ғариб жусса ҳам аслида аждодларнинг биз — авлодларга Надомати эрур. **Абдулла Орипов минг карра ҳақ: «Минорлар эмас бу, фалакка қасам, қасоскор боболар кетмишлар санчиб».**

Минорадаги жусса Машрабга ҳам менгзайди. **«Ҳай, шоирларим, нелар қиляпсизлар, эл-улус қайда қолди, сиз қайда қолдингиз!»** дебон ёқа чок қилаётгандай...

Мозийдан «кадрлар» келтирганимизнинг боиси бор. Малик Қаюмовнинг ўзи аслида жонли тарих. У яратган фильмлар эса фақат тарихгина бўлиб қолмай, балки юртимиз, тарихимиз, элимизнинг маънавий ва моддий кечмишлари жамланган мужассам таворихдир.

Халқ тарихини бош чаноғидай тепиб ўтгувчи зотлар бор. Зотлар борки, Абдулла Қаҳҳор айтгандай **«...Маданият тарихига дахлдор бўлса ўлган отнинг тақасини ҳам пуфлаб, кўзга суртиб бахмалга қадаб қўйишади».**

Малик Қаюмов ажойиб санъаткор. Бироқ унинг ҳаётини тарихдан алоҳида, айро ҳолда олиб кўриш минорани бутун бошли обидадан ажратиб кўрсатишдай гап.

**Сочларига кўп мамлакатларнинг гардлари қўнган, кўп эллар-элатларнинг қувончига ҳам, дардига ҳам ошно бўлган бу инсон биз учун, тарихимиз учун нима қилди! Тарих — Малик Қаюмов ҳаётида унинг болалигидан кўра муҳимроқ ўрин эгаллайди десак баланд кетмаган бўламиз. У — Самарқанд, Бухоро, Хива, сингари Шарқнинг буюк шаҳарлари тупроғини кўзига тўтиё айлаган одам, у — буюк Арабистоннинг илоҳий тўзонлари аро тўзонларда қолган Абадиятни тавоф айлаган некбин зот, Байтулмуқаддас — дунёнинг ободини ҳам, барободини ҳам, бирдай ўз жонидан ўткарган бу инсон — Малик Қаюмов, унинг ўзи айни пайтда яшил кресло уйғунлигида ибтидосиз асрлардан, жангу жадаллар, қирғинлардан омон чиқиб келган қадим, жонли обидани эслатарди.**

**Бу обида билан гаплашиш қийин.**

**Бу обида олдида тарихдан сафсаталар сотмоқ мушкул.**

**«Темурийлар мақбараси қазилмалари», «Самарқанд неча ёшда!», «Регистон», «Шоҳизинда», «Биби Хоним», «Даҳмалар тилга кирди», «Самарқанд узра юлдузлар», «Самарқанд ҳамиша менга ҳамдам», «Муқаддас шаҳар», «Тўрт дарвозали шаҳар»... Булар — обиданинг турли даврларда ленталарга ўзи тиклаган, ўзи мангулик бахш этган хешу ақраболари.**

**— Афросиёб. Бунда ҳар бир қатлам — давр. Бунда девордаги сувратларга қараб «уларнинг либосида олис иқлимларда унган гулларнинг ҳиди ҳали ҳам сақланиб қолганидан» ҳайратга тушасан.**

**«...олис иқлимларда унган гулар...»**

Шоирлар қарзга сўраса арзигулик сатр.

* * *

**Биз ўз шаҳримизнинг миллий қиёфасини барбод қилдик.** Шаҳримиз бинолари турғунлик даври инкубаторидан чиққан бир хилдаги катакларни эслатади. Токлар, арклар, работлар қаёқда қолди? Кўкалдош, Абдулқосимхон сингари обидаларга ўгай онадан қолган фарзандларга қарагандай қараймиз.

**— Ҳаёт тажрибаси йилдан-йилга шоширади мени. Қўймайди. Ҳаётнинг яхлит оқимига сен ҳам бир тўлқиндай қўшилиб бораётганингни йиллар ўтган сайин аниқроқ англаб етасан. Шу оқимга сингиб кетишга, борингни, борлиғингни шу оқимга бахш этишга улгурмоғинг керак.**

Бу сўзлар шунчаки, томдан тараша тушгандай айтилган эмас. Бу сўзлар — ҳаёт тажрибаси.

Чўлу биёбонлар фақат моддий заминдагина эмас, руҳлар, кўнгилларда ҳам бор. Балки кўпроқдир. Дилларнинг очилмаган қўриқлари, одамзод руҳидаги саҳролар ҳали ястаниб, қовжираб ётибди. Уларни обод қилиш керак. Обод қилиш учун эса руҳобод инсонлар керак.

**Аёлларнинг паранжи ташлаши ҳали озодлик эмас эди. Дунё, умр бўйи турмаларда чириб руҳи, қалби озод юрган инсонларни билади. Дунё яна шундай кимсаларни ҳам биладики, алар озод юриб идроки ҳам, имони ҳам қамалгандир. Маънавий қуллар деса ҳам бўлади буларни. Малик Қаюмовнинг ижоди билан ўзбек киносидаги кўп чимматлар олиб ташланди. Бу деганимиз — ўзбек маданиятининг порлоқ, қадимий чеҳраси борлигини жаҳон аҳли яна бир карра кўрди, билди. Буюк санъаткор Роман Карменнинг «Ўзбек ҳужжатли киноси мен учун бу «Маликдир» деган сўзлари ҳам ошна-оғайнигарчилик учун айтилган эмас. Эътироф, ҳам эҳтиром бу.**

Йиллар.

Йиллар ҳамиша бешафқат.

Дунё оқ-қора тасвирдаги суратга ўхшайди. Қайдадир лайлаклар ин қуряпти, қайдадир темир қушлар чинқириғи, оҳу нола...

**Улуғ Ватан урушини, дунё ташвишини елкасида кўтариб юрган, жаҳон Ҳодисотини юрагидан кинолентасидек ўткарган бу инсон айни пайтда нималарни ўйлаяпти! Балки Ҳирот, Ҳазрат Алишер Навоийнинг хомуш мозори... Балки тириклигида суҳбатидин баҳраманд бўлгани оташнафас ҳофиз Аҳмад Зоҳирнинг жувонмарг орзуси...** Кейин биз **«Афғонистон: инқилоб давом этади»** лентасида маънавият жаллодлари ўлдирган бу ҳофизнинг дафн маросимини кўрамиз. Юлдузнинг ўлимидан дилларда қалдироқлар кўчади. Кейин эса озғин аскарларнинг қўлларига, елкаларию қуролларига қўнаётган оппоқ каптарларни кўрамиз. Булар дунёнинг мунис оқ ниятлари. Шундай беозор қушлар қуршовида маъюс гуллару шабнамлар дунёсида, гулгун қўшиқлар дунёсида бировлар бировларни ўлдириб яшаётганига ақлинг бовар қилмайди. Адолат бор, бироқ Ёвузлик ҳам яшаяпти.

**— Йиллар узун бўлганми ва ё тун-кунларингиз!**

— Тунларим йилт этган юлдуз шуъласидай қисқа кечган. Мен кам ухлайман. Энг узуни — кунлар ва йиллар.

**Кунлар ва йиллар.**

БУ инсон айни пайтда узоқ сафарларни қаритган, асрлардан ҳам узун кунлар ва йиллар оша учиб келган ва ҳозир креслода чўкиб олис манзилларнинг ибтидою интиҳосини ўйлаётган, толиққан улкан қушга ўхшарди. Унга ҳалал бермайлик, азиз ўқувчи. Суҳбатимиз кейинги галга қолди. Майли, ҳеч қиси йўқ. Яхшиси, у яратган фильмларни қидириб топиб кўрайлик. Умрдай узун ленталарда латифалар эмас, элу юрт тарихи, қитъаларнинг бепоён таваллолари мангуликдай ўралиб ётибди. Мангуликдай.

**Сирожиддин САИДОВ.**




**Бу гулшан ичраки йўқтур**
**бақо гулига сабот,**
**Ажаб саодат эрур**
**чиқса яхшилик била от.**

**Алишер НАВОИЙ.**

Педагог ўйлари

# Қадрингизни билинг, азизим!

**ҚУЙГАНИМДАН АЙТАМАН...**

**Ҳар бир кичик оила катта совет оиласининг кичик бир ячейкаси ҳисобланади. Оиланинг мустаҳкамлиги, аввало, эр ва хотиннинг иноқлиги, ҳамжиҳатлиги ва дўстона муносабатларига боғлиқ эканини ҳаммамиз биламиз. Оилада эр — хонадоннинг султони, оила бошлиғи ҳисобланади. Қадим-қадимдан шу одатга барча ота-оналаримиз риоя қилиб келишган. Албатта, эр ўзининг бутун хулқ-атвори, оила тебратиши билан шу султонликка арзигулик киши бўлиши ҳам лозим. Хотин эса оиланинг кўрки ва файзи. Уйда аёл киши йўқ бўлса, хонадон бўм-бўшдек, ҳувиллаб қолади.**

**Барчамиз ўз маҳалламизда, ён-атрофимизда биз билан яшаётган жуда кўп оилаларни биламиз, эр ва хотин 40-50 йил давомида бирга яшаб, кўплаб ўғил ва қизларни тарбиялаб вояга етказишган, жамиятимизда ўз ўринларини топиб бахтиёр яшашлари учун замин ҳозирлаганлар. Уларни кўриб завқ оламиз, ҳавас билан қараймиз.**

**Аммо, оила давлатини тўғри тебратмай, уни арзимаган икир-чикирлар туфайли «зиндон»га айлантираётган, оила давлатини нурафшон йўлидан адаштириб, ўзларининг жирканч шаҳвоний нафслари учун қурбон қилаётган эр ва хотинлар ҳам ҳаётимизда учраб туради. Машҳур педагог Сухомлинский «Бефарқлик қалб фалажидир. Дўстлар ўз атрофингиздаги воқеаларга бефарқ, лоқайд қараманг...» деб мурожаат қилгани бежиз эмас**

**Биз халқимизнинг виждонли кишиларимиз. Аммо, ўз атрофимизда рўй бераётган ҳаётдаги салбий ҳодисаларга нисбатан нега бефарқ қараймиз! «Менга нима, нима учун бировнинг ҳаётига аралашишим керак! Ҳар ким ўз оиласининг бешигини ўзи истаганича тебратаверсин», деган лоқайд ақидага амал қилиб, кўриб — кўрмасликка, билиб — билмасликка оламиз. Шу йўсин айрим беор, фирибгар, бузуқи, нафс бандаларига кенг йўл очган бўламиз-ку! Нима, биз қалб фалажига гирифтор бўлганмизми! Нега кишилар тақдирига шунчалар бефарқ қарашга одатланиб қолдик! Орамиздаги шумғиялар бизнинг бефарқлигимиздан фойдаланиб, илдиз отаяпти-ку. Жамият ҳаётига, оила ҳаётига дарз кетказиб, болалар тарбиясининг, кишилар ахлоқининг бузилишига нега йўл қўйяпмиз! Мен бу гапларни гўзал ҳаётимизга доғ тушаётганидан, куйганимдан айтаяпман.**

**ГАРОВНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛГАН УМРИ**

**Умри исмли аёл ниҳоятда гўзал ва хушчақчақ эди. Эри Шораҳим билан икки фарзандга бош бўлиб тинч-тотув яшашарди. Уларнинг девор-дармиён қўшниси Исроил монтёр бўлиб ишлар, оилада доимо уруш-жанжал бўларди. Шораҳим ва Умри ҳар доим эр-хотинни яраштириб қўярдилар. Ичкиликка берилган Исроил қўшнисининг тинч-тотувлигини бузишни ният қилиб қўйди. У кўча-кўйда қўшниси Умрини нопок аёл, у ишхонасидаги суюқ оёқ эркаклар билан учрашиб юради, деган гап тарқатди. Кунлардан бир куни улфатлари билан галдаги ўлтиришларида «Умри мен блан ҳам ҳуфёна учрашади», деб улфатларини ишонтирди, ҳатто у билан кўришиш мумкин деб гаров ўйнади. Исроил Умрини қўлга тушириш режасини тузди. Хотинини болалари билан уйига жўнатди. Қўшнисининг электрини симёғочдан узиб қўйди. Кечқурун ишдан келиб овқат қилаётган Умри чироқсиз қийналди. Қараса қўшнисиникида чироқ бор. Девордан Исроилга илтимос қилди:**

**— Чиқиб бизнинг счётчикни қараб беринг, нега бизда чироқ йўқ! — деди.**

**Шуни кутиб турган Исроил қўлидаги ярим стакан вино, бир дона тузланган бодрингни кўтариб: «Э опажон, тамадди қилаётган эдим», деб чиқиб келди. Бу пайтда гаров ўйнаган унинг улфатларидан бири пойлаб турарди. Уйда хотини ва болалари йўқ эди. Улфатларининг яна бири кўчада Шораҳимнинг ишдан қайтишини кутиб турди.**

**Исроилнинг икки гаровчи улфати Шораҳимнинг ишдан қайтишида кутиб олиб, унга тушунтирдилар: «Шораҳим, қандай диёнатсиз эрсан. Хотининг қўшнинг Исроил билан ҳуфёна учрашиб юради. Юр, исбот қиламиз», деб Исроилнинг уйига олиб киришди. Уйда хотини ҳам, эр ҳам йўқ. «Сеникида чироқ ўчирилган, ана девордан қара, Исроил сенинг ҳовлингда юрибти-ку», деб кўрсатишди. Уч киши бошлашиб киришганида ҳақиқатдан ҳам чироқсиз уйда Исроил ивирсиб юрарди. Стол устида ярим стакан вино билан тузланган бодринг турганди: «Ия, кайфу сафонинг устидан чиқиб қолдикку», деб юборишди. Шораҳимни кўрган Исроил: «Мен хотининг билан ҳуфёна учрашиб юраман», деб ҳаёсизларча тўнғиллаб чиқиб кетди.**

**Умри эрига, электрни қараб бериш учун Исроилни чақирган эдим, деб ҳарчанд илтижо қилиб ёлворишларига қарамай, уни уй кийимида кўчага ҳайдади. Тун ярмида Исроил бир кўйлакда аламзада бўлиб йиғлаётган Умрини машинага ўтказиб, шаҳар четидаги қўшмачи аёлникига олиб боради. У ерда аламзада Умрига ичкилик ичириб, унинг номусига тегди. Бу иш бир қанча вақт давом этди. Кунлардан бир куни бу нопок хонадонга ашаддий хотинбоз бир кимса келди. Уй эгаси — қўшмачи хотинга катта пул тўлаб, Умрини гўё яхши кўриб қолдим, хотинликка оламан, бу шаҳардан олиб кетаман, деб уни Бокуга олиб кетди. Умрининг оиласи барбод, болалари етим бўлди. Маҳалладагилар бу воқеани гапириб, Умри бир кишига турмушга чиқиб кетибди, деб тинчидилар. Шораҳим бошқа бир аёлга уйланди. У аёл Умрининг болаларини, бузуқ хотиннинг ташландиқ болалари деб, доимо таъна қилиб бўлса ҳам катта қилди. Икки ўғил онамиз шундай бўлган экан, деб уни унутдилар. Ҳаётда ўз ўринларини топдилар. Оилали бўлдилар. 65 ёшга кириб ҳуснини, жозибасини, ёшлигини йўқотган, қўлдан-қўлга ўтиб хароб бўлган касалманд Умрини яхши одамлар қариялар уйига жойладилар. У Душанба шаҳридан ўлими олдидан бир орзуси борлигини баён қилиб, ўғлининг ишхонасига хат ёзди.**

**«Азиз ўғлим, жигаргўшам, мен сени ҳаётга келтирган, оқ сут бериб катта қилган бахтсиз онангман. Мен ўша машъум кунда, бир соатда, сендан, отангдан ва оиламдан жудо бўлдим. Буларнинг ҳаммасига қўшнимиз Исроил сабабчи. У мени гаровга қўйиб бор бахт-саодатимдан, сизлардан, ўзлигимдан жудо қилди. Бўлар иш бўлди. Болам, кечирим сўрашга тилим бормайди. Ҳар бир кишининг ўлими олдидан охирги тилагини бажарадилар. Хастаман, охирги кунларим қолди. Сени бир кўриб, дийдорингга тўйиб, ҳаёт билан видолашишни истар эдим. Ўғлим, охирги тилагимдан мени жудо қилма! Кеча-кундуз кўзим йўлингда. Сени интизорлик билан кутмоқдаман. Биргина илтимосим, келгин болам, кутаман. Бахти қаро бўлган онанг Умри».**

**Бу хат ҳар қандай тошбағир кишида ҳам раҳм-шавқат уйғотади. Ўғли онаси олдига борди. Қариялар уйида хаста она ўғлининг қўлида охирги сўзини айтиб: «Мен гаровнинг қурбони бўлдим», деб вафот этди. Шундай қилиб, бузуқлик йўлига кирган бу аёлнинг ҳаёт чироғи сўнди, азиз бир аёл ўз қадрини билмади. Енгил-елпи ҳаётнинг аччиқ лаззати шу билан тугади.**

**ДИЛ ИСТАКЛАРИМ**

**Социалистик жамиятимизда ҳаёт фаровон, аёлларимиз бахтли яшашяпти. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. Лекин ахлоқий нопок аёллар ҳам учрайдики, биз—кенг жамоатчилик уларга қарши курашмоғимиз керак. Мен қуйидаги истакларимни таклиф этмоқчиман.**

**1. Аввало кишилар ўртасидаги, айниқса, аёллар ўртасидаги аҳлоқсизликка, нопокликка, бузуқчиликка, ўзини тута билмай маиший бузуқлик йўлига кирган, бировларнинг ҳалол никоҳли турмушини бузиб, эркакларга ўйнаш бўлиб яшаётган аёлларга қарши чора кўрмоқ керак! Уларни маҳаллада, халқ ўртасида ўртоқлик суди қилиб ниқобларини очиш лозим. Шунда ҳам улар нопок йўлдан қайтмасалар, улар совет қонуни олдида жавобгарликка тортилсинлар.**

**2. Айрим бойвачча эркаклар ўзларининг шаҳвоний ҳирсларини қондириш учун баъзи бегуноҳ, соддадил қиз-жувонларни ўз тузоқларига илинтириб, хароб қилгач, ҳафтада бир-икки келиб кўнгил хушлик қилиб 3-4 хотинли бўлиб яшамоқдалар. Буларни олдин аниқлаш керак! Алданган қиз-жувонлар, иложсиз қолгач, никоҳсиз иккинчи хотинга айланиб қолмоқдалар. Бу аҳвол бизнинг жамиятимиз учун иснод-ку! Маънавий покликка, коммунистик ахлоқ нормаларига зид-ку. Шундайларни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олиш натижасида у беномуслар кундан-кунга кўпайиб боради. Уларга қарши кескин ҳужум бошламоқ керак!**

**3. Айрим аёлларимиз енгил-елпи турмуш қуриб, ёки кишиларга ўйнаш бўлиб юриб отасиз фарзанд кўришмоқда. У бегуноҳ норасидаларни «ана, ўзинг боқиб олавер!», деб давлат ихтиёрига, гўдаклар уйига туғруқхонадаёқ ташлаб кетмоқдалар. Ана шундай тошбағир, беор оналарни жазолаш вақти келмадимикин!!**

**4. Айрим аёлларимиз, айрим такасалтанг ёшлар давлат ишидан бош тортиб, ўз ҳузур-ҳаловатларини кўзлаб меҳнатсиз кун кечирмоқдалар. Улар жамият кишилари яратган барча нозу неъматлардан фойдаланадилар, ўзлари ресторанларда, кечки барларда вақт ўтказадилар. Жамият учун ҳеч қандай фойда келтирмайдилар. Ана шундай текинтомоқ такасалтанглар қачонгача бўлади!**

**5. Айрим аёллар пул орқасидан қувиб, олиб сотарлик қилмоқдалар. Камёб, харидоргир моллар билан савдо қилиб юрувчи савдогарларга қарши кескин ҳужум бошлаш вақти етмадимиi!!**

**6. Айрим беномус аёллар ёш қиз-жувонларни йўлдан уриб, қўшмачилик қилиб, ўз уйларида хуфёна исловатхоналар очиб олганлар. Ана шундай номус ўғрилари, муттаҳам, бетовфиқ, шарманда, аёлликка иснод келтирмоқчи бўлган қўшмачиларга қарши курашмоқ керак!**

**Бу масалаларни амалга оширишда райондаги хотин-қизлар совети ва маҳаллалардаги хотин-қизлар совети кенг жамоатчилик билан биргаликда дадил ошкоралик вазиятида иш олиб бормоқлари даркор. Маҳаллаларда хотин-қизлар совети ишига кенг эътибор бериб, уларни район ташкилотлари қўллаб турса кўп иш қилиш мумкин.**

**Адлия ходимларига ва район миқёсидаги ходимларга ҳам эътирозимиз кўп. Баъзи ҳолларда ўз уйларидаги кўнгилсиз ҳодисалар, эрлари томонидан хўрланган аёлларнинг арзидодларига улар эътиборсизлик билан қарайдилар. Ўзингиз ўйланг, аёл жуда ҳам сабр-бардошли бўлади. Эри ўйнашга боришини билса ҳам, болам бор, уйим бузилмасин, болам отасиз қолмасин, деб йиллар мобайнида сабр қилади. Ахир сабр косаси тўлганидагина арз қилиб келади-ку! Нега энди унинг арзиға бефарқ қараш керак!! Ҳар бир муассаса ва корхонадаги илғор ишчи аёл ўз болаларини қандай тарбияламоқда, у ўз оиласида яхши оила бошқарувчи беками! Оилада ҳамжиҳатликни яратганми, у маиший бузуқ эмасми!.. Нега аёл ишлайдиган ишхона раҳбарлари буни билмайдилар. Биз баъзан фақат план орқасидан қувамизу, маънавий зарур оламни унутамиз. Инсон омили ҳақида ўйлаш, унинг ҳаётини, яшашини тўғри бўлишига ёрдамлашиш, раҳбарнинг вазифасига кирмайдими! Нега раҳбар ходимлар оилавий масалаларга панжа орасидан қарайдилар!**

**Жонажон Коммунистик партиямиз ҳозирги пайтда инсон қадр-қимматини ғоят улуғлаш, эъзозлаш, бахт-саодатини тўлиқ таъминлаш учун ошкоралик, демократия ва поклanишни қатъий қилиб қўйди, ҳар қандай дардимизни очиқ-ойдин айтишимизга кенг имкониятлар яратиб берди. Шундай экан, маънавий оламимизнинг пок ва беғубор бўлиши ҳақида ошкора фикрлашайлик.**

**Нусратхон ВАЛИЕВА,**
**педагогика фанлари кандидати, доцент.**

# Олим ҳиммати

**Тошкент Давлат университетининг юридик факультети гражданлик ҳуқуқи кафедрасининг профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Фуат Хатипович Сайфуллаев ўзининг «Гражданларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқи» китоби учун олган 484 сўм қалам ҳақини В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг 707-счётига ўтказди.**

**Л. ОХУНЖОНОВ.**



**Илм сирларини ўрганамиз.**

**А. Чаплигина** фотоси.

# Интиқлик

Новелла

КЕЛИНЧАКЛАРДЕК ясаниб, бутун борлиқни яшнатиб, гўзаллигини кўз-кўз қилиб келган баҳор кўзларга аллақандай сирли, тароватли кўринади. Ҳиёбонда сайр қилиб юришган, ял-ял ёниб турган, атлас кийиб, чаккаларига лолақизғалдоқ тақиб олган лобар қизларнинг жарангдор кулгиси йигитларнинг хаёлини олиб, қалбига чўғ ташлайди.

Кўкламнинг сўлим оқшомида соҳил бўйи қўл ушлашиб юрган ёшлар билан гавжум. Мажнунтол тагида қизнинг нозик қўлларини ушлаб олган йигит куйиб-пишиб бир нималарни гапиради. Унинг энтикиб, тутилиб гапиришидан муҳаббат изҳор қилаётгани аниқ. Ана, юзлари лоладек қизариб кетган қиз «мен сизга ишонаман», дегандек унинг елкасига оҳиста бош қўйди.

Кўклам оқшоми. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, баҳорий кайфият ҳукмрон. Фақат угина дераза олдида ёлғиз ўзи хаёллар оғушида ўтирибди. Ҳар гал у баҳорни шундай кутади. Йўқ, баҳорни эмас, уни — кечиккан бахтини кутади.

Ўша баҳор ҳамон унинг ёдида. Ахир ҳаётда кутилмаган воқеалар ҳам бўлади-ку. Бир кўришда севиб қолганлар озми? Ўша оқшом у ётоқхонада нима биландир банд эди. Бехосдан эшик очилиб остонада қўлида гул ушлаган йигит пайдо бўлди. Қиз ўзини ўнглаб олгунича йигит уни даб-дурустдан бағрига босиб ёноғидан бўса олди-да:

— Бу сизга... Агар кутсангиз келаси йил бир қучоғини олиб келаман, — деб қўлига бир дона атиргулни тутқазди. Кейин қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Шу оқшом эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган қизнинг мусаффо қалбида ёқимли энтикиш сирли туйғуни жунбушга келтирди. Йигит унинг нозик кўнглидаги муҳаббат торларини чертиб ўтган эди.

Қиз севгиси қаттиқ бўлади дейишади. Йиллар ўтган бўлса ҳам у ҳамон кутмоқда. Назарида, албатта, мўъжиза содир бўладигандай, қалбининг тубида милтиллаб ёниб турган умид чироғи — юрагига муҳрланиб қолган олов нигоҳли ўша келишган йигит бир кун эшик қоқиб кириб келадигандай туюлади.

«Қанийди, келса оёғи остига гулдан поёндоз солмасмиди? Бутун меҳрини бахшида қилмасмиди? Келармикан?.. Ёки бир умр... Йўқ, бошқа чидай олмайди. Наҳотки бошқалардек бахтли бўлолмайди. Айби нимада?! Севганими? Шунча йил орзиқиб кутганими?..

Ўкинч, алам,изтироб яна исканжага олади уни. Юзини кафтларининг орасига олиб унсиз йиғлайди...

...Кўклам оқшоми. Ҳамма ёқда шодиёна. Фақат у ёлғиз. Бир-бирларига бахт тилаётган, қаҳ-қаҳ отиб хушчақчақ кулаётган одамлар билмайдики, шу оқшом биргина унинг ёлғизлигини...

Тўсатдан жиринглаган эшик қўнғироғи унинг хаёлларини тўзғитиб, бир зум эсанкиратиб қўйди. Юраги ҳапқириб тушди: ким экан у?. Наҳотки... у бўлса?!

У ёноқларидан оқиб тушаётган қайноқ кўз ёшларини тия олмас, ўрнидан туриб эшик очишга мадори йўқ эди. Қўнғироқ эса бетўхтов зорланиб-зорланиб жиринглар, эшик ортида эса у орзиқиб, интиқ бўлган азиз кишиси бир қучоқ гул билан турарди.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.**

